

Марказий Осиё халклари маданиятини Ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги каторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири — Абу Али ибн Сино бўлиб, у Оврўпода Авиценна номи билан машхурдир. Ибн Сино (асл исми Хусайн, отасининг исми Абдуллох) Бухоронинг Афсона кишлогиди, хижрий 370 (980) йилнинг сафар ойида, амалдор оиласида тугилди. 986 йилда ибн Сино оиласи Бухорога кўчиб келади ва шу вақтдан бошлаб ёш Хусайн бошлангич маълумот олишга, илм-фанни ўрганишга киришади. Унинг ёшлиги, йигитлик чоғлари Сомонийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларига, хусусан, Нух II ибн Мансур Сомоний ҳукмронлиги даври (976-997) га тўғри келади.

Ибн Сино истеъдодли, хотираси кучли, зехри ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тездан эгаллаб бошлади. 10 ёшидаёқ куёни қаримни бошдан-оёқ ёд ўқир эди. 13 ёшларидан бошлангич математика, мантик, фикх, фалсафа илмлари билан шугуллана бошлади. Ибн Сино ёш бўлишига қарамай, Абу Абдуллох Нотилий раҳбарлигида фалсафани, Хасан ибн Нух ал-қумрийдан тиббиёт илмини ҳар томонлама ўрганади, аста-секин табиблик билан ҳам шугулланади. У ўзидан аввал ўтган Шарк мутафаккирла-ининг асарларини чуқур ўрганиш билан бирга, қадимги юнон табиий-илмий, фалсафий меросини, хусусан Аристотель, Евклид, Птолемей, Гален, Гиппократ, Пифагор, Порфирийларнинг асарларини ҳам кунт билан ўрганди. 16-17 ёшидаёқ ибн Сино машхур табиб — ҳаким бўлиб танилди. 999 йилда Бухоро қорахонийлар томонидан забт этилгач, Сомонийлар ҳокимияти инкирозга учради. 1000 йилда ибн Сино Бухородан чиқиб кетди ва маданият марказларидан бири ҳисобланган Хоразмга борди, у ерда Хоразм ҳокими Али ибн Маъмун саройидаги олимларни бирлаштирган ўз замонасининг академиясига қабул қилинди. Ибн Сино Беруний, ибн Мискавайх, Абу Сахл Масихий, Абулхайр Хаммор, Абу Наср ибн Ирок каби етук олимлар билан яқиндан танишди. Лекин бу даврда қучайиб бораётган Махмуд Газнавийнинг таъқибидан қочиб, Хоразмни ташлаб кетишга ва Хуросон, Эроннинг турли шаҳарларида сарсон-саргардонликда юришга мажбур бўлди. Абивард, Туе, Нишопур шаҳарлари орқали Журжон шаҳрига келган ибн Сино ҳоким қобул ибн Вашмгир саройида машхур табиб сифатида яшади, бўлажак шогирди Жузжоний билан танишди. 1019-21 йилларда Хамадонда вазир лавозимида хизмат қиларкан, ҳоким билан келиша олмай, 4 ой камокда ётиб чиқди. 1023 йилда Исфохонга қочди ва бутун умрини илмий асарлар ёзишга бағишлади. Ибн Синонинг «Китоб ал-қонун фит-тибб», «Китоб ун-нажот», «Китоб ул-инсоф» каби машхур асарлари, геометрия, астрономия, ўсимлик, хайвонот олами, мантика оид рисолалари, «Хайй ибн Яқзон» фалсафий қиссаси сўнгги йилларда ёзилган. У Исфохонда расадхона қуриш билан машғул бўлди. Умрининг сўнгги йилларида феодал урушлар қучайиб кетганлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзи ҳам фаол қатнашганлиги туфайли у Исфохон, Рай, Хамадон шаҳарлари орасида сарсон-саргардонликда юриб, 1037 йил 18 июнда Исфохон шаҳрида 57 ёшида қулунж қасаллигидан вафот этди.

Ибн Синонинг ҳаёт йўли ўзи ёзган таржимаи холи ва шогирди Жузжоний томонидан қолдирилган манбалардан маълум. Ибн Синонинг илмий қизиқишлари, дунёқарашининг шаклланишида қадим-ғи Шарк маданияти, юнон илми, фалсафаси, Марказий Осиё халқларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари муҳим роль ўйнади. Ибн Сино таржимаи холида Форобийнинг «Метафизика мақсадлари», «Фусус ул-хикам» каби

муҳим рисолаларини кунт билан ўрганганлиги, улардан кенг фойдаланганлигини таъкидлаб ўтади.

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошади, лекин бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган, холос. Кўп рисолалари шаҳарма-шаҳар кўчиб юриш, феодал урушлари, сарой тўполонлари, турли фалокатлар туфайли йўқолиб кетган. Кўп манбаларда ибн Сино аввало табиб сифатида талкин этилади, холбуки таъбат унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан биридир. Ибн Сино асарларининг асосий қисми Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўша давр илмий тили ҳисобланган араб тилида, баъзилари форс тилида ёзилган. Унинг бизга маълум бўлган катта асари «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби») 22 жидпдан иборат бўлиб, 4 та катта бўлимини мантик, физика, математика, метафизикага дойр масалалар эгаллаган. Унинг айрим қисмлари латин тилига, Оврўподаги бошқа тилларга, шарқ тилларига, шунингдек, рус, ўзбек тилларига таржима қилинган. 20 жилддан иборат бўлган «Китоб ул-инсоф» («Инсоф китоби») бизгача етиб келмаган, чунки Исфаҳондаги ёнгинда йўқолган. «Китоб ун-нажот» («Нажот китоби») 4 катта қисмдан — мантик, физика, математика, метафизикадан иборат, «Китоб лисон ул-араб» («Араб тили китоби») 10 жилдни ташил этади. «Донишнома» форс тилида ёзилган бўлиб, 4 қисми — мантик, физика, математика, метафизикани ўз ичига олади (Рус тилига таржима этилган, бир қисми ўзбек тилида босилган).

Ибн Сино асарлари Ўрта асрларда Оврўпода илмий тил ҳисобланган латин тилига, у орқали Оврўпонинг бошқа тилларига таржи-ма этилган. Ибн Сино илмий рисолалардан ташқари, чуқур фалсафий мазмунли бадиий образлар ва маълум воқеалар орқали ифода этувчи «Тайр кассаси», «Саломон ва Ибсол», «Хайй ибн Яқзон» каби фалсафий кассалар яратган.

Ибн Сино замонасининг етук шоири ҳам бўлган. У Шарқ, хусусан, форс поэзиясида рубоий жанрининг асосчиларидан бири бўлиб, рубоийлари ўзида чуқур фалсафий ҳулосаларни ифодалайди. Ибн Сино арабча китъалар ҳам ёзган (Унинг шеърий мероси қисман рус ва ўзбек тилларида нашр этилган). Ибн Сино таъбат масалаларини оммабоп ҳолда назм билан изоҳловчи «Уржуза» номли тиббий асар яратди. Унинг Аристотель (Арасту) таълимоти хусусида Абу Райҳон Беруний билан ва ўзининг шогирди — озарбайжонлик мутафаккир Баҳманёр билан ёзишмалари фан оламида машҳур. Айниқса, таъбат, у билан боғлиқ ҳолда анатомия, психология, фармакология, терапия, хирургия, диагностика, гигиена каби илмлар ибн Сино ижодида бир канча янги ихтиролар билан бойиди ва янги босқичга кўтарилди. Булардан ташқари, кимё, минералогия, астрономия, ма-тематика, ўсимлик дунёси, геологик жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳам у янги-янги фикрларни олга сура олди. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги асарларидан «Китоб ал-қонун фит-тибб» («Тибб қонунлари»), «Китоб ул-қуланж» («Ичак санчиклари»), «Китоб ун-набз» («Томир кўриш ҳақида китоб»), «Фуж ул-тиббийа жориа фи мажлисих» («Тибб ҳақида хикматли сўзлар»), «Тадбир ул-манзил» («Турар жойнинг тузилиши»), «Фил-хиндубо» («Сачратки ўсимлиги ҳақида»), «Рисола фи-дастур ит-тиббий» («Тиббий кўрсатмалар ҳақида») каби асарлари мавжуд. Унинг тиббиётга оид қомусий асари «Китоб ал-қонун фит-тибб» 5 мустақил катта асардан таркиб топган: уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил, ҳар томонлама ёритиб беради.

Биринчи китобда тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмета, вазифалари, бўлим ва методлари, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари, соғлиқни сақлаш йўллари, киши анатомияси ҳақида мазмундор, аниқлиги билан кишини таажжубда қолдирувчи қисқача очерк, соғлиқни қандай сақлаш қераклиги ҳақидаги таълимот (кейинчалик

гигиена деб номланган) баён этилади.

«Конун»нинг бу китобини хозирги замон ички касалликлар пропедевтикаси дарслигига тенглаштириш мумкин.

«Конун»нинг оддий дориларга багишланган иккинчи китобида 800 га яқин дорининг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён этилган. Ибн Сино симоб, унинг бирикмаларини дори қилиб ишлатишни биринчи бўлиб тавсия этади, шаробни қувватга киритувчи, жарохатларни тозаловчи дори сифатида ишлатади. Учинчи китобда айрим органлар (хатто соч, тирноклар)нинг касалликлари, уларни даволаш усуллари баён этилади, уни махсус па-тология дарслиги деб атаса ҳам бўлади. Бу китобда бош мия, нерв, кўз, кулок, бурун, томок, корин, тиш, юрак, жигар, буйрак касалликлари батафсил тахлил қилинади.

«Конун»нинг тўртинчи китоби организмнинг умумий касалликларига багишланган. Унда иситмалар, ўсмалар, уларнинг сабаби, хирургик касалликлар (суяк синиши, чиқиши, жарохатланиш) ва улар-ни даволаш усуллари, хар хил дорилардан захарланиш ва бунда кўриладиган чоралар тўғрисида маълумот берилади. Чечак, кизамик, мохов, тоун, вабо ва бошка юкумли касалликлар тафсир этилади.

«Конун»нинг бешинчи китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш, истеъмол қилиш усуллари баён қилинган. Бу китоб доришунослик илмига — фармакологияга багишланган.

Тиббиётнинг асосий вазифаси, унинг таъбирича, «инсон соғлигини сақлаш, агар касаллик пайдо бўлган бўлса, бу касалликни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва уларни йўқотиш орқали соғликни тиклашдан иборат». Ибн Сино фикрича, тиб илмида назарий билимлар ва амалиёт ўзаро боглик бўлиши, бир-бирига асосланмоғи зарур, акс холда у ривож томайди, ўз мақсадига эриша олмайди. «Тиб илми аввало икки қисмга — назарий ва амалий қисмларга бўлинади... Назария деб аталувчи қисми табибларнинг фикрларини ифода қилиб, махсус амалия деб аталадиган қисми тадбир ва амалнинг қандай бўлиши кераклигини ўргатади. Тибнинг амалий қисми иккига бўлинади. Биринчи қисми соғлом танларнинг тадбирини билиш бу соғликни сақлашга тааллуқли бўлгани учун соғликни сақлаш илми деб аталади. Иккинчи қисми — касал таннинг тадбирини билиш бўлиб, соғлом холатга қайтариш йўллари кўрсатади, бу даволаш илми деб аталади». Ибн Сино касалликни ўрганишда объектив шароитни хар томонлама билишга катта аҳамият берди, мухитдаги турли табиий нарсалар, сув, хаво орқали касаллик тарқатувчи кўзга кўринмайдиган «майда хайвонотлар» хақидаги фикрни олга сурди.

«Конун» 800 йил давомида ҳақимлар учун асосий қўлланма бўлиб келди. Ўрта асрларда «конун» Шарқдагина эмас, балки гарб-мамлакатларининг университетларида ҳам талабалар учун тиббиётдан ягона қўлланма эди.

Ибн Синонинг «Китоб уш-шифо» асарида турли тиббиёт илмларига: ботаника, геология, минералогия, астрономия, математика, кимёга оид кўп маълумотлар келтирилади. Унинг тоғларнинг вужудга келиши, ер юзасининг даврлар ўтиши билан ўзгариб бориши, зилзиланинг сабаблари каби турли жараёнлар хақидаги фикрлари кейинчалик геология илмининг мустақил равишда ривож топишига катта таъсир кўрсатди. Айрим жойларнинг бир вақтлар денгиз бўлганлиги, шу сабабли каттик катламларда турли денгиз хайвонларининг излари сақланиб қолганлиги хақида ҳам турли мисоллар асосида фикр юритилади; метеоритлар, вулканлар хақида маълумотлар келтирилади. Минералогия илмининг ривожиди хам ибн Синонинг хизмати катта. У минералларни 4 гуруҳга ажратади:

- 1) тошлар;
- 2) эрийдиган жисм (метал)лар;
- 3) олтингургуртли ёнувчи жисмлар;
- 4) тузлар.

Кимёда ҳам ибн Сино замонасининг билимларини умумлаштиришга ҳаракат қилиб, турли асарлар ези, тажрибалар ўтказди. Хусусан, унинг органик кимё соҳасидаги фикрлари кейинги давр мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. У оддий металлни кимматли металлга айлантириш устида фикр юритувчи алхимикларни танқид қилди. Ибн Сино астрономия соҳасида Птолемейнинг геоцентрик назариясидан ташқарига чиқмаган бўлса-да, табиий ҳодисалар-нинг ички сабабий боғланишини аниқлашга ҳаракат қилди, инсон ҳаёти ва ижтимоий ҳодисаларни осмон жисмлари ҳаракати, ҳолатига боғловчи астрологияга шубҳа билан қаради, турли тажрибалар ўтказиш учун янги астрономик асбоб яратиш, ботаникада турли ўсимликларнинг табиий хусусиятларини ўрганиш, илмий терминология яратиш соҳасида иш олиб борди.

Ибн Сино дунёқараши Форобий асарлари таъсирида шаклланди, у ижтимоий-фалсафий масалаларда Форобий қарашларини давом эттирди, илгор фалсафий оқимни янги табиий-илмий фикрлар билан бойитиб системалаштирди ва янги босқичга кўтарди. Ибн Сино фикрича, фалсафанинг вазифасига мавжудотни — барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, биридан иккинчисига ўтишини ҳар томонлама текшириш учун зарурий, имконият, воқелик, сабабият принципларини асос қилиб олди. Олам — барча мавжуд нарсалар иккига бўлинади: зарурий вужуд (вужуди вожиб) ва имконий вужуд (вужуди мумкин). Зарурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликни ташкил этиб, у энг иродали, кудратли, доно Тангридир. қолган ҳамма нарсалар имконий тарзда мавжуд бўлиб, зарурий вужуд — Тангридан келиб чиқади. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин — сабаб ва оқибат муносабатидадир. Бу жараён эманация тарзида, яъни куёшдан чиқаётган нур шаклида аста-секин амалга ошади. Шу тартибда имконият шаклидаги мавжуд бўлган ақл, жон (нафс) ва жисм, улар билан боғлиқ ҳолда осмон сфералари келиб чиқади, мавжуд нарсаларга айланади. Булар ҳаммаси субстанция (жавҳар)дир. Бундан ташқари борликда акциденция (образ) — нарсаларнинг белгилари, ранг, ҳажми, ҳиди ва бошқа хислари мавжуд. Жисм шакл ва моддадан ташкил топади. Худо абадий, унинг оқибати бўлмиш материя ҳам абадийдир. Унинг ўзи бошқа конкрет жисмларнинг асосидир. Нрсаларнинг конкрет кўринишлари, шакллари ўзгаради, лекин уларнинг моддий асоси йўқолмайди. Материя доим вужудга келиши мумкин бўлган нарсалардан аввал мавжуд бўлиб, бу нарсалар уларни ташкил этувчи материяга муҳтождир. Материянинг энг содда, бўлақларга бўлинмайдиган шакли тўрт унсур: ҳаво, олов, сув, тупроқдан иборат. Уларнинг турлича ўзаро бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Мураккаб нарсалар ўзгариб, турли шаклларга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг моддий асоси бўлган тўрт унсур йўқолмайди, абадий сақланади. Унинг фикрича, аввал тоғ-тошлар, сўнг ўсимлик, ҳайвонот ва тараккиётнинг якуни сифатида инсон вужудга келган. Игсон бошқа барча ҳайвонот оламидан сўзи, тили ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқ қилади. Реал ҳодисаларни чуқур билиш, фан билан шугулланиш инсонгагина ҳосдир. Ибн Сино «Рисолатун фи тақсим ал-мавжудот» асаида бутун борликни таркибий қисмларга бўлиб, бирма-бир санайди ва уларга таъриф бериб ўтади. Вужуди вожиб, вужуди мумкин, субстанция, акциденция, материя, шакл, ақл, унсур, жисм, қувват, сезиш, минерал, ҳайвон, нутқ, лисон каби категориялар бу рисолада қисқача таърифланади.

Инсон билимлари нарсаларни билиш ёрдамида вужудга келади. Билиш хиссий билиш ва тушунчалар ёрдамида фикрлашдан ташкил топади. «Сезиш,— деб ёзган у,— бу шундай таъсирки, у ташки нар-саларнинг ўзи бўлмай, балки бизнинг хисларимизда вужудга келади. Хис моддий образнинг ойнаси бўлиб, моддий шаклларнинг бўйи, эни билан бирга ифодаланганлиги сабабли, уларни инсон моддий асоссиз инъикос эта олмайди ва жисмларни билолмайди».

Инсон акли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди, ривож топади. Бунда, хусусан, у мантик илмига катта эътибор беради. Акл хар кандай билишнинг ва амалий фаолиятнинг мезони сифатида талкин этилади. «(Акл) тарозисида ўлчанмаган хар кандай билим,— деб ёзади ибн Сино,— чин бўлолмайди, демак, у хакикий билим эмас». Ўрта асрда Якин ва Ўрта Шарк, жумладан, Марказий Осиё фалсафасида акл назарияси жуда мухим ўрин эгаллайди.

Ибн Сино ижодида фаннинг структурасини текшириш, илмларнинг тартибини аниқлаш, уларни тасниф қилишга эътибор алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масалада ҳам олим Форобий бошлаб берган фан-ар таснифи хақидаги масалани янада тараккий эттиришга харакат қилади. Ибн Синонинг фалсафий системасини ифодаловчи асарларида («Китоб уш-шифо», «Китоб ун-нажот», «Донишнома») фалсафий билимлар: мантик, физика, математика, метафизика тартибда берилади. Булардан мантик — билишнинг методи, мавжудотни ўрганиш, у ҳақда фикр юритишнинг илмий усули сифатида талкин этилади. «Мантик,— деб ёзади ибн Сино,— инсонга шундай бир койда берадики, бу койда ёрдамида инсон хулоса чиқаришда хатолардан сакланади». Мантик ёрдамида инсон хакикий билимни ёлгондан ажратади ва номаълум нарсаларни ўрганади. У мантик илмини тадқиқ этишга катта эътибор беради, унга махсус рисолалар бағишлайди. Хусусан, у мантикий усуллар, таърифлаш, ҳукм, хулоса чиқариш, исботлаш масалаларини ўрганишга катта хисса қўшди, мантик фанини Форобийдан сўнг билишнинг тўғри методи сифатида ривожлантирди. Мантикдан ташқари барча қолган илмларни ибн Сино табиат ва ижтимоий ҳодисалар хақидаги илмлар сифатида ўзининг «Аксом ул-улум ул-аклийа» («Ақлий билимлар таснифи») асарида алоҳида-алоҳида санаб, таъриф бериб ўтади. Ибн Сино фалсафий илмларни аввало иккига бўлади: назарий ва амалий илмлар.

Назарий илмлар хақиқатни билишга, амалий илмлар яхши ишларни бажаришга қаратилган. Фалсафанинг назарий қисми учга бўлинади:

- 1) қуйи даражадаги илм, яъни табиатшунослик;
- 2) ўрта даражадаги илм — математика;
- 3) олий даражадаги илм — метафизика. Фалсафанинг амалий қисми ҳам учга бўлинади:
  - а) шахс хақидаги илм;
  - б) инсоннинг ўзаро муносабатлари хақидаги илм;
  - в) давлатни, мамлакатни бошқариш хақидаги илм. Назарий-фалсафий илмларга қирувчи хар уч турдаги илмлар асосий ва ёрдамчи бўлақларга ажралади; табиатшунослик илмлари астрология, медицина, алқимё каби етти хил тармокни ўз ичига олади.

Математика эса арифметика, геометрия, астрономия, мусика номи билан 4 тармокка бўлинади. Асарда 29 илм тармоғи тилга олинади.

Ибн Сино ўз дунёқарашида пантеистик принципга асосланади: Тангри ва борлик бир-бирига зид, бир-бирини инкор этувчи нарсалар эмас, аксинча, улар бир бутун ҳолда мавжудотни ташкил этади. Абадийлик Тангрига хос. Тангри ва табиат маълум поғоналар

ёрдамида боғланади. Узун ва яхлит занжирнинг бир томонида яратувчи Тангри — зарурий вужуд, иккинчи чеккасида табиат ётади.

Ибн Сино хакикий ахлокий фазилатларга ва идеал жамоага шу мавжуд дунёда эришув мумкин, жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак деб таъкидлайди. Жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини таъкидлайди. Жамият аъзоларининг ҳаммаси бу қонунга итоат этишлари, қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши, башарти подшонинг ўзи адолатсизликка йўл қўйса, халқнинг унга қарши кўзголони тўғри ва жамият томонидан қўллаб-қувватланмоғи лозим.

Ибн Сино ўзининг кўп тармоқли махсулдор ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараккиётида катта роль ўйнади. Ўз ижоди, илмий фаолиятида ибн Сино Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги юқори маданий кўтаринкилик, маданий «уйғониш»нинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди, бу билан бутун Шарқ ва Оврўподаги маърифат, маданият тараккиётига катта таъсир кўрсатди. У ўз даврида Шарқ ва Оврўпода «Шайх ур-раис», «Олимлар бошлиғи», «Табиблар подшоҳи» каби энг буюқ номларга сазовор бўлди. Ибн Сино машхур мураббий сифатида Абу Убайд Журжоний, Умар Исфаконий, Мухаммад Шерозий, Аҳмад Маъсурий, машхур Озарбайжон мутафаккири Бахманёр ибн Марзбон, Юсуф Йилокий, ажойиб олим ва шоир Умар Хайём каби шогирдларини тарбиялади. Уйғониш даври миниатюра ва суратларида ибн Сино машхур қадимги юнон олимлари Аристотель, Гален, Гиппократ, Птолемей, Эвклид билан бир қаторда тасвирланган. Ўсимликларнинг биринчи илмий таснифини яратган табиатшунос Карл Линней доимо яшил бўлиб турувчи бир ўсимликни ибн Сино шарафига «Авиценция» деб атади.

Ибн Сино асарлари Оврўпода XII асрдан бошлаб латин тилига таржима қилина бошлади. «Тиб қонунлари» асарининг ўзи латинчада 30 мартадан ортиқ нашр қилинди. «Китоб уш-шифо»нинг кўп бўлимлари, мантик, мусика, ернинг тузилиши, геологик жараёнлар, метафизикага оид қисмлари ҳам латинчада нашр этилди. Сўнгги илмий тадқиқотлар ибн Синонинг Шарқ адабиётига ҳам таъсир кўрсатганлигини, чуқур фалсафий мазмунни ифодаловчи рубоий ва фалсафий қиссалар жанрининг тараккиётига туртки берганлигини кўрсатади. Ибн Сино халқ орасида шу даражада ҳурматга сазовор бўлдики, у фольклор қахрамонига айланиб кетди. Шарқ халқларида унинг тўғрисида турли хикоя, ривоят афсоналар вужудга келди. Жаҳон олимлари ибн Сино асарлари, унинг фаолияти тўғрисида кўпдан бери илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар. Ҳозирда жаҳондаги деярли барча тилларда ибн Сино хақида асарлар яратилган.